
КОРХОНАДА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Қўштепа туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими ходимлари "Исақов Ўлмасбой Асл Маҳсулотлари" хусусий корхонасида бўлиб, у ерда амалга оширилган "Иссиқхона фаолиятини ташкил этиш" лойиҳаси билан яқиндан танишдилар.

Лойиҳа қиймати 2 миллиард 300 минг сўм бўлиб, лойиҳа ташаббускори томонидан 1 гектар ер-майдонида иссиқхона ташкил этилган.

Ҳозирда хосилдор помидор кўчатлари экилиб, яна қўшимча экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши кўзда тутилган.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-11-02 17:10:56